



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

36 (201) ● 2012 йил 5 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!



ЮРТДОШЛАРИМИЗДА мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғуси пайдо бўлди. Ватан, Юрт равнақи учун меҳнат қилиш, ташаббус кўрсатиш умумжамият ишига айланмоқда.



ЎЗМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган ушбу мусобақа спорт воситасида ёшларни ватанпарвар, юксак маънавиятли комил инсонлар бўлиб вояга етказишга кўмаклашишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.



КўРГАЗМАДА тақдим этилган санъат асарларида миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ўзига хос анъаналарининг давомийлигини, замонавий билим ва қарашлар асосида ёшларнинг ҳаётга бўлган янги нигоҳи, бугунги кун руҳиятини кўриш мумкин.

2 СИЁСАТ

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

5 МАЪНАВИЯТ

Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг тақлифига биноан 2012 йил 6-7 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлади. Учрашув ва музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар. Ташриф якунлари бўйича Қўшма баёнотни қабул қилиш, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган бошқа икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

● КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСУВОР ВАЗИФАЛАРИ

«Сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғли демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир».

Ислам КАРИМОВ



Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш

ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДАГИ ИШТИРОКИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА

Мамлакатимиз мустақилликнинг ilk даврларидан ривожланишининг «ўзбек модели» деб ном олган ва бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлган ўз тараққиёт йўлини танлади. Бугун ана шу йўлдан оғишмай қатъият билан одимлаб кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари олға интилмоқда. Бунинг ижобий самараси ўлароқ ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш борасида фахрланса арзулик ютуқлар қўлга киритилди.

Маълумки, Конституциямизнинг саккизинчи бобида фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирокини таъминлаш ҳақидаги норма баён этилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ва референдумларда бевосита қатнашишлари ҳамда ўз овозларини беришларини кафолатлайди.

2-бет

● ШУКРОНАЛИК

Келажакка сармоя

Юртимизда ёшларимизнинг жамиятда муносиб ўрин топиш, соғлом ва ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун беқисс имкониятлар яратилган. Мустақиллик йилларида мухтарам Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилган «ўзбек таълим модели», хусусан, унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қатор ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилган кенг қўламадаги ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Бугунги глобаллашув даври таълимга эътиборни ҳар қачонгидан да кучайтиришни тақозо этмоқда. Аммо, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида айрим мамлакатлар таназулдан қутилиш ёки унинг асоратларини юмшатиш мақсадида ижтимоий соҳаларга, хусусан, таълим тизими ривожига йўналтирилган маблағлар ҳажмини қисқартиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ўзбекистонда эса бунинг акси бўлиб, давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга ажратилмоқда. Унинг асосий қисми эса соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият тармоқларини юксалтиришга қаратилиши кучли ижтимоий сиёсатимизнинг яна бир янги ўзига хос жиҳатидир. Ўзбекистоннинг таълим соҳасида эришаётган ютуқларини жорий йил февраль ойида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бўлиб

ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эътириши ва модернизациялашнинг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари ҳам алоҳида қайд этиб ўтишди. Унда жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатлари ва кўплаб халқаро ташкилотлар вакиллари, олий ўқув юртли раҳбарлари ва профессорлари, таълим соҳасида фаолият юритаётган таниқли мутахассислар, халқаро эксперт ҳамда таҳлилчилар ташриф бууришиб, таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар хусусида ҳайрат ва ҳавас билан сўз юритдилар. Хусусан, БМТ бош котибининг ўринбосари Нойлин ХЕЙЗЕР юртимизда таълим тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга юқори баҳо бериб,

2-бет

● ХАБАРЛАР

Янги автобуслар аҳоли хизматида

Мустақилликнинг 21 йиллиги муносабати билан юртимизга 25 та янги «Мерседес-Бенц» автобуслари олиб келинди.

Ҳозирги кунда пойтахтда турли модификациядаги мингдан ортиқ замонавий, қулай ва шинам автобуслар аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш баробарида шаҳар кўрகига кўрк қўшиб келаяпти. Мутахассисларнинг таъкидлашича, жорий йилда ана шундай автобусларнинг 100 таси харид қилиниши режалаштирилган. Айни чоғда дастлабки 25 та янги автобус тақдими бўлиб ўтди. Қолганлари эса шу йилнинг октябрига олиб келиниши кўзда тутилган.

Дўстлик байрами

Ўзбекистон давлат санъат музейида ўзбек-япон дўстлик байрами ўтказилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкилланган мазкур тадбирда профессор-ўқитувчилар, маданият ходимлари ва кенг жамоатчилик иштирок этди. Тадбир доирасида ташкил этилган кўرғазма чоғида мустақиллик йилларида ижодкорларимиз томонидан яратилган фотосуратлар, тасвирий ва амалий-декоратив санъат асарлари намойиш қилинди. Дўстлик байрами япониялик соҳна ва хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар билан якунига етди.

● МУНОСАБАТ

Юрт ободлиги


УНГА ҲАММАМИЗ КАМАРБАСТАМИЗ

Мустақил мамлакатимиз 21 ёшга тўлди. Тарихан қисқа даврда барча соҳаларда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Босқичма-босқич фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги юксалиб бормоқда. Жамият ва унинг фуқаролари савияси қанчалик юксак бўлса, ўша жамият ҳар қандай улғувор ишларга қодир бўлади, кўзланган мақсадга муқаррар равишда эришади.

Мухтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганларидек: «Ўтган давр мобайнида биз олдимизга қўйган буюк вазифа — замонавий ривожланган демократик давлатлар сафига кириш, фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни, иқтисодий ва маданий модернизация ва диверсификация қилиш, ҳисобидан қўлга киритган ютуқ ва юксак марраларимизнинг хал-

қаро майдонда эътироф этилаётганини, Ватанимиз салоҳияти, моддий, иқтисодий ва интеллектуал куч-қудратимиз тобора ошиб, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ва чеҳраси ўзгариб, очилиб бораётганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди».

Юртимизда байрам шуқуҳи кезиб юрган ана шундай фараҳбахш лаҳзаларда инсон кўнглида эзгу туйғулар кечиси шубҳасиз. Мухтасар қилиб айтганда, қисқа муддат ичида мамлакатимизда барча соҳаларда асрлар-



га татигулик ўзгаришлар рўй берди. Ўтган 21 йиллик тарихимизга назар ташласак, жамиятда демократик тамойилларни таркиб топтириш, очик фуқаролик жамиятини шакллантириш,

юрт осойишталиги, халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилган ишларни санаб адоғига етиш мушкул.

2-бет

● ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

Дастурий вазифалар ижроси

ХУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАР ПЛЕНУМЛАРИДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг навбатдаги пленумлари бўлиб ўтди. Уларда ҳудудий ташкилотларнинг 2012 йилнинг биринчи ярим йилликдаги фаолияти якунлари ва иккинчи ярим йилликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари таққий-таҳлил қилинди. Йиғилишларда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия вилоят Кенгашлари Ижроия Қўмитаси дивони ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

3-бет

«Milliy tiklanish» газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



Жисмонан ва маънан етук

ЁШЛАРНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ЎЗМТДП ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, ўқувчи-ёшларнинг спорт билан мунтазам шугулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари, майдончалар барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига топширилмоқда.

Айниқса, уч босқичли спорт мусобақалари ёшларнинг имкониятларини намойиш этишлари, уларнинг жаҳон ареналарида галаба қозонишларига замин яратмоқда. Бу борада ЎЗМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар қалбида ватанпарварлик, миллий гуруҳ туйғуларини янада кучайтиришга кўмаклашиш мақсадида қатор тадбир, давра суҳбати, кўрик-танлов, фестивал ва спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги ва ўзбек футболнинг 100 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар ва Яққасарой туман Кенгаши, Ўзбекистон Футбол федерацияси, Яққасарой туман ҳокимлиги, "КОЗТЕХ" ва "ХАСКОВА" масъулияти чекланган жамиятлари ҳамкорлигида "Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан!" шиори остида тадбир ташкил этилди. Унда ЎЗМТДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Ўзбекис-

тон Футбол федерацияси ва ҳамкор ташкилотлар ходимлари, маҳалла фаоллари, спортсевар ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир доирасида "КОЗТЕХ" ва "ХАСКОВА" масъулияти чекланган жамиятлари ҳокимлиги, "КОЗТЕХ" ва "ХАСКОВА" масъулияти чекланган жамиятлари ҳамкорлигида "Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан!" шиори остида тадбир ташкил этилди. Унда ЎЗМТДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Ўзбекис-

— Бугун юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳар бир инсон қалбида фахрий туйғуларини уйғотмоқда, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат, Ўзбекистон Футбол Федерацияси терма жамоалар маркази директори Асқар Толибжонов. — Буни фойдаланишга топширилган мазкур футбол майдони мисолида ҳам кўриб турибмиз. ЎЗМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган ушбу мусобақа спорт воситасида ёшларни ватанпарвар, юксак маънавиятли комил инсонлар бўлиб вояга етказишга кўмаклашишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Тадбирда ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Санъаткорлар томонидан она Ватан ва истиқлолни мадҳ этувчи куй ва кўшиқлар томошабинларга кўтаринки кайфият бахш этди. Бундан ташқари "Пахтакор" ва "Хаскова" ўсмирлар жамоалари учрашуви ФИФА рефереси, ЎЗМТДП аъзоси Равшан Эрматов бошқарди.

Махамматмурод ТОШТЕМИРОВ,
ЎЗМТДП Яққасарой туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:

— Ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, баркамол авлод қалбида миллий гуруҳ уйғотиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш

ЎЗМТДПнинг устувор вазифалари сирасига қиради. Бу борада партия ҳудудий ташкилотлари томонидан турли тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Жумладан, партия Яққасарой туман Кенгаши ташаббуси билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамият ҳаётида муносиб ўрнини топишлари

қўмаклашиш мақсадида "Спорт ва санъат — нарқоманьяга ва диний экстремизмга қарши" лойиҳаси ишлаб чиқилиб, бир қатор ҳамкорлар билан бирга "Оилавий спорт — саломатлик гарови" шиори остида спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Мазкур тадбир ҳам ёшларни маънан ва жисмонан бакуват баркамол авлод бўлиб вояга етказиш, улар иختисослаштирилган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ёшиқ сузиш ҳавзаси, 160-умумтаълим мактабининг "Қалдирғоч" сузиш ҳавзаларида спортнинг сузиш, сув полиси турлари бўйича 600 нафарга яқин ўқувчи-ёшлар мунтазам шугулланиб, турли мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритишмоқда.

Нилуфар ХУСАНБОЕВА,
Яққасарой туманидаги 144-умумтаълим мактаби директори,
ЎЗМТДП аъзоси:

— Мустақиллигимизнинг 21 йиллик шодиёналари мактаб жамоаси ва ўқувчиларимиз учун

унутилмас воқеа бўлиб қолади. Боиси байрам арафасида мактабимизда замонавий футбол майдони фойдаланишга топширилгани катта совға бўлди. Буни мамлакатимизда болалар спортга берилётган эътиборнинг бир кўриниши деб биламиз. Бундай эътибор учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, ҳокимларга ва маҳалла фаолларига жамоамиз номидан миннатдорчилик билдирамиз. Ўқувчиларимиз бу спорт майдонида ўз маҳоратларини янада ошириб, улкан натижаларни қўлга киритишда, деб ишонамиз.

Ўрни келганда айтиш жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар ўз дастури, сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда турли тарғибот тадбирлари ташкил этиб келмоқда. Халқимизнинг азалий анъана ва урф-одатларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга бекаму кўст етказишга кўмаклашиш, ёшларни миллий-маънавий тарихий қадриятларимизга нисбатан хурмат руҳида ҳамда ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдон, замонавий билимлар эгаси бўлиб вояга етишлари

Биродар АБДУРАИМОВ,
футбол фахрийси:

— Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан, халқ фаровонлиги, тинчлиги ва мамлакат ободлиги йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Буни шахару қишлоқларимизда қад рўстлаётган кўркэм бинолар, ўқув масканлари, маърифат марказлари, аҳоли турар жойлари ва спорт иншоотлари мисолида кўриб, гуноҳ бўлиб турибмиз. Айниқса, ёш авлодга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятларни дунё ҳамжамияти алоҳида эътибор этаётгани қувонарли ҳол.

Биз улгайган даврларда бундай имкониятлар ҳақида фақат орзу қилиш мумкин эди, холос. Бу кунларга фарзандларимиз ва набираларимиз эришгани қалбларни фахрий туйғулар ва гуруҳга тўлдиради. Бундай шарафли масъулият улар зиммасига янада залворли вазифалар юклати тайин. Бугунги ёшларимизга ҳавас қилсак арзийди.

Шоҳида ДАМАНОВА,
Эргаш ХҲҲАЕВ,
"Milliy tiklanish"
мухбирлари

ПАРТИЯ ХРОНИКАСИ

Мустақиллик шодиёналари

ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЖИЗЗАХ

ЎЗМТДП Жиззах вилоят ва Жиззах туман Кенгаши хамкорлигида истиқлолнинг 21 йиллик санасига бағишлаб "Мустақиллик ва миллий мерос" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда партия вилоят ва туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ва ёшлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, ўтган йигирма бир йил бизга Ўзлимизни англаш имконини яратди. Ўзбек халқининг ҳеч кимдан кам эмаслигини дунё аҳлига яққол намоён этди.

Тадбирда "Орзулар ушаладиган овоз Ўзбекистон", "Мустақиллик — гуруҳ ва ифтихоримиз", "Миллий маънавиятни юксалтиришда партиянинг ўрни ва роли" каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди. Маърузаларда мустақиллик байрамини нишонлашда ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқ ва натижаларимиз, мамлакатимиз салоҳияти ва қудрати, унинг халқроқ майдондаги нуфузи, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари эътибор марказида бўлиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбир сўнггида янграган ёшларнинг истиқлол, она Ватанни сараннум этуви куй ва кўшиқлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

САМАРҚАНД

Истиқлол йилларида мамлакатимизда спортга, айниқса, болалар спортга берилётган юксак эътибор туфайли мамлакатимиз ёшлари улкан галабаларни қўлга киритиб, юртимиз байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтариб, барчага гуруҳ-ифтихор туйғуларини улашмоқда. Хусусан, чекка қишлоқларда ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилаётган спорт иншоотлари ёш авлоднинг янада соғлом ва бакуват бўлиб улгайишлари ҳамда қўллаб ютуқларни қўлга киритишларига замин яратмоқда.

ЎЗМТДП Жомбой туман Кенгаши ташаббуси билан туман ҳокимлиги, "Қамолот" ЁИХ туман бўлими Кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман филиали билан ҳамкорликда мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан "Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан!" шиори остида футбол бўйича "Миллий тикланиш соврини учун" спорт мусобақаси ташкил этилди. Унда партия Жомбой туман Кенгаши вакиллари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ва спортсевар ёшлар иштирок этди.

Спорт мусобақасида тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, турли ташкилотлар ва партия фаолларидан тузилган жамоалар голиблик учун ўзаро куч синачилар. Қизгин баҳс-мунозаралар остида ўтган беллашувлар сўнггида халқ таълими ходимлари жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар ЎЗМТДП Жомбой туман Кенгаши ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман филиалининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

НАМАНГАН

ЎЗМТДП Чортоқ туман Кенгаши ва "Зангиобод" маҳалла фуқаролар йиғини хамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб "Маҳалла — бетақдор миллий ва демократик қадрият" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" етакчилари, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, бу йилги мустақиллик байрами "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида ўтказилаётганлиги катта аҳамият касб этмоқда. Чунки ушбу диёрда яшаётган барча инсон ўз тақдирини, бахтини ҳар жиҳатдан эркин ва обод Ватан — Ўзбекистонимиз билан боғлайди.

— Азал-азалдан ҳар қандай муаммо, маслаҳат билан амалга ошириладиган ишлар маҳалладаги ёши улуг, тажрибали, хурмат-эътиборга эга кишилар томонидан ҳал этилади, — деди ЎЗМТДП Чортоқ туман Кенгаши раиси Дилфаруз Хамроҳўжаева. — Маълум бир хабарни, мақсадни кўпчиликка етказиш, тўй-маърака ва тадбирлар маслаҳати ҳам маҳалла фаоллари томонидан амалга оширилади. Шу маънода ушбу энг улуг, энг азиз байрам шуқурини ҳар бир хонадонга олиб кириш мақсадида ушбу тадбирни айнан маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил қилдик. Бу орқали маҳалла ёшлари отахон онахонларнинг тарих ҳақидаги ҳикоялари орқали истиқлолнинг нақадар буюк неъмат эканлиги ҳақида керакли маълумотларга эга бўлишди.

Давра суҳбати якунида ташкилотлар азиз байрамни муносиб нишонлаш учун бу каби тадбирларни туманнинг барча ҳудудларида ташкил этишга келишиб олинди.

Шоҳида МИРЗАЕВА,
"Milliy tiklanish"
мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

Дастурий вазифалар ижроси

ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАР ПЛЕНУМЛАРИДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

риш миллий Дастурининг ижроси ҳолатини ўрганиш», «Миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонуналар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш» ва «Худудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар» каби масалаларни халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар сессияларида ташаббус-масала сифатида олиб чиқиш тавсия этилди. Ўтган даврда қўллаб туман, шаҳар ва вилоят Кенгаши сессияларида депутатлик гуруҳларимиз томонидан юқоридаги масалалар ташаббус сифатида сессиялар кун тартибига киритилди. Бироқ бу борада айрим депутатлик гуруҳлари ва партия ташкилотлари фаолиятида камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу боис депутатлик гуруҳлари фаолиятини мунтазам мониторинг қилиш, танқидий-таҳлил этиб бориш зарур.

Таъкидланганидек, партия

Самарқанд вилоят Кенгаши томонидан жорий йилнинг олти ойи мобайнида 350 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбир, давра суҳбати ва ўқув-семинарлар ўтказилди. Уларда 34 минг нафардан ортиқ партия фаоллари иштирок этди.

ЎЗМТДП Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдаги пленумида асосий эътибор электротар манфаатларини ҳимоя қилишда партия ташкилотларининг депутатлик гуруҳлари, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш масалаларига қаратилди.

— Парламент палаталари кўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда илгари сурилган ғоя ҳамда қонунчилик ташаббуслари сиёсий партияларнинг жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фао-

лиятини янада жонлантиришни талаб этади, — деди ЎЗМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Б.Бобожонов.

— Жумладан, ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан партия Хоразм вилоят Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Республика "Хунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида ҳудуддаги хунарманд ва оилавий тадбиркорлар иштирокида "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусида амалий семинар ўтказилди. Натияжада 20 нафар хунарманд ва оилавий тадбиркор 573 млн. сўмдан зиёд имтиёзли кредит олиш учун сертификат топширилди. Бу эса 51 та янги иш ўрни ташкил этилишига замин яратди.

Пленумда партия вилоят Кенгашининг жорий йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти тан-

қидий-таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чоралар белгилаб олинди.

ЎЗМТДП Бухоро ва Тошкент вилоят Кенгаши пленумларида сўз олган ЎЗМТДП фракция раҳбари У.Мухаммадиев электротар манфаатларини ҳимоя қилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар ва депутатлик гуруҳларининг ҳамкорлигини кучайтириш масаласига эътибор қаратди.

— Юртимизда кечаётган демократик ислохотларнинг хозирги босқичида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар гуруҳи олдига бир-бирдан масъулиятли вазифалар турарибди, — деди фракция раҳбари. — Шу боис жорий йилда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши томонидан партия электротар манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик гуруҳларининг роли ва ўрнини кучайтириш энг устувор вазифаларидан бири деб белгилан-

ди. Айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг ахборотларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗМТДП фракцияси раҳбари У.Мухаммадиев таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли тобора юксалиб бормоқда. Бу ўз навбатида юксак билимга эга, масъулиятни тўлиқ ҳис қиладиган малакали кадрлар захирасини шакллантириши тақозо этади. ЎЗМТДП Тошкент шаҳар ва Фарғона вилоят Кенгаши пленумларида иштирок этган партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Ж.Сафова юқоридаги масалаларга алоҳида эътибор қаратди. — Партия дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифаларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда партияимиз сафини ташаббускор кадрлар билан кенгайтириш олдимида турган долзарб вазифалардан саналади. Бу борада ЎЗМТДП Марказий Кенгаши томонидан партия "Аёллар қано-

ти" ва "Ёшлар қаноти" ҳамда бошланғич партия ташкилотлари етакчилари фаолиятини жонлантиришга қаратилган ўқув-семинарлар муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз, — деди партия раиси ўринбосари.

ЎЗМТДП Фарғона вилоят Кенгаши пленумида Қўштепа, Ўзбекистон ва Сўх туман Кенгашилар партия ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш, партиявий ишмизнинг асосий мезонини бўлган тадбирлар ўтказишда сусткашликка йўл қўяётгани алоҳида таъкидланди.

Пленумларда партия ташкилотларининг жорий йилнинг ўтган давридаги фаолияти танқидий-таҳлил қилинди, иккинчи ярим йилликда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Ана шундай пленумлар ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Жиззах, Сирдарё, Андижон, Сурхондарё ва Наманган вилоят Кенгашиларида ҳам ўтказилди. Муҳокамаларда асосий эътибор парламент палаталари кўшма мажлисида тақдим этилган Концепциядан келиб чиқадиган устувор вазифалар, электротар манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантиришга қаратилди.

Ўз мухбиримиз

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши халқимизнинг чинакам тарихий ғалабаси бўлди. Утган 21 йил мобайнида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида улкан ишлар амалга оширилди. Албатта, миллий давлатчилик асосларини шакллантириш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш жараёни осон кечгани йўқ.

Истиқлолнинг умидбахш самаралари

Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустақил, маъмурий-бўйруқбозлик, режали-таксимот тизимидан буткул воз кечиб, "Ўзбек модели" деб ном олган янги тараққиёт йўлини танлади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқилган ва бугунги кунда ҳаётга татиқ этилаётган ушбу моделнинг мазмун-моҳияти — давлат қурилиши ва ҳуқуқий тизимни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устулчилигини таъминлаш, давлатнинг бош исласотчи вазифасини бажариши, яъни исласотлар ташаббускорлиги бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, исласотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий исласотларни амалга оширишдан иборатдир.

Ўзбекистонда исласотларни амалга оширишнинг тадрижий тараққиёт йўли танлангани халқимизни оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишнинг асосий кафолатларидан бири бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгилаш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилигини, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, қарийб йилгирма бир йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда да янги ички маҳсулотнинг ўсиши 3,7 баробарини, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарини, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарини ташкил этгани, кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳақиқи 8,1 баробар ортгани эътиборга сазовордир. Айниқса, ижтимоий соҳада эришилган марралар — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшиланиши ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини қувонарли натижалар сифатида баҳолаш жоиз.

2008-2011 йилларда, яъни дунёнинг ақсарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда Ўзбекистонда янги ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни, 2010 йилда 8,5 фоизни, 2011 йилда 8,3 фоизни ташкил этгани, 2012 йилда эса 8,2 фоиз даражасида бўлиши белгиланган кўпгина халқаро тузилмалар, эксперт ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Дунёда, айниқса, ривожланган мамлакатларда давлатнинг ташқи қарзлари кўпайиб бораётгани жиддий хавотир тудғариётган бир пайтда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи халқаро мезонлар бўйича "ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат" деб ҳисобланган — янги ички маҳсулотнинг 17,5 фоиздан ошмай, иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини, 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджетни профитид билан бажариб келинаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Агар 1991 йилда энг кам иш ҳақида Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол корзинкаси кийиматининг фақат 8 фоизини

ташқил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич истеъмол корзинкасининг 120 фоизини ташқил этди ёки 15 баробар ўсди, энг кам пенсиянинг харид қобилияти эса 9 қарра ошди. Албатта, мамлакатимизда қўлга киритилаётган бундай улкан ютуқлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Маълумки, собиқ тузум даврида республикамизнинг иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, фақат хом ашё етиштиришга йўналтирилган бўлиб, машум салбий оқибатларга олиб келган пахта яқсаҳокимлиги авжига чиққан эди. Ўзбекистон ўзининг қолоқ ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси билан собиқ Иттифокда жон бошига истеъмол даражаси бўйича энг паст ўринда турарди. Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш ости-насида" номи асарига таъкидлаганидек, Ўзбекистон "барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифокдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирида... ҳар киши бошига янги ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда... аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифокдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст" эди. Мустақил ривожланиш йилларида — тарихан қисқа бир даврда юртимиз янги ва улкан марраларни қўлга киритди, бунинг натижасида мамлакатимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бормоқда.

Айни пайтда шунингдек, қўлга киритилган бундай марралар — барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очик демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилиб, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасидаги юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми эканлигини эсдан чакрамаслик лозим.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай бир хавф борки, у ҳам бўлса, авваламбор, эришилган ютуқларга махлиб бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш хавфидир. Бу эса мамлакатимиз тараққиётининг самардорлиги ва истиқболга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт.

Ўзбекистон ўз истиқлолнинг дастлабки кунларидан "Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузмаган", "Исласотлар исласот учун эмас, аввало, инсон учун", деган ҳаётий принципларга амал қилган ҳолда, маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бошқаруvingни бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, исласотларнинг ички маҳсулотнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танлади. Ушбу қондаларнинг жорий этилиши давлат ва конституциявий қурилиши поғонама-поғона, қадам-қадамдан тубдан ўзгариш ва янгилаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда чўпқур демократик исласотларни олиб бориш имконини берди.

Ривожланишнинг "ўзбек модели" ўз мазмун-моҳияти билан тараққиётимиз давомидаги оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, ҳаётлигини намоён этди. Собиқ тузум даврида шаклланган иқтисодий алоқаларнинг буткул издан чиқилишининг оқибатларига барҳам бериш, иқтисодиётнинг ҳалокати тарзда орқага кетиши, ишсизликнинг авж олишига йўл қўймадик, қисқа муддатларда мустақил ҳокимият институтларини тузиш зарурати, қолаверса, ўша пайтдаги мурак-

каб вазият айнан шу моделни танлашни тақозо этди.

Истиқлол йилларида мулкчиликнинг тузилишида туб ўзгаришлар рўй берди, қўп укладли иқтисодиёт амалда шаклланиб, унинг таркибида хусусий мулк устувор ривожланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида нафақат ҳал қилувчи ўрин эгаллади, айни вақтда бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, одамларнинг даромадлари ва фаровонлиги ошиб боришининг асосий манбаига, аҳоли бандлиги ўсишининг энг муҳим омилга айланди.

Мустақиллик йилларида давлат бюджети харажатларининг таркиби сифат жиҳатидан ўзгарди. Ҳозирги вақтда давлат харажатлари таркибида кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга амалга оширилиши молиялаштириш асосий ўрин тутади. Натижада ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган харажатлар улуши 1990 йилдаги 31,5 фоиздан 2000 йилда 42,5 фоизга ва 2010 йилда 59 фоизга изчил ўсди. 2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробарга ўсди. Қайд этиш жоизки, давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўша мажлисида тақдим этилган, "Демократик исласотларни янада кучураштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" ўз мазмун-моҳиятига кўра мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича бошланган кенг қўламли ишларимизни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтариш дастури ҳисобланади.

Дарҳақиқат, сиёсий тизимни изчил демократлаштиришдан, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, сўз, ахборот, сайлов эркинлиги ва сайлов тизимини таъминлашдан, фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришдан, фуқароларимизнинг сиёсий онги, ижтимоий-иқтисодий фаолиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдан туриб, бозор исласотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни таъминлаб бўлмайди. Ва бунда, шубҳасиз, тадрижий тараққиёт, узилиш ва изчиллик муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий исласотларни янада такомиллаштириш мақсадида 2011-2015 йилларга мўлжалланган тўртта стратегик дастур ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Бу дастурлар саноатни, инфратузилмаларни, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, банк-молия тизимини янада исласот этиш ва унинг барқарорлигини оширишни, шунингдек, мамлакатимизда қулай ишчан муҳит ва уни баҳолашнинг замонавий халқаро мезонларини шакллантиришни кўзда тутади.


Мазкур дастурларнинг амалга оширилиши узоқ истиқболда таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада оширишни таъминлашга қаратилган.

Мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган барча ишларнинг энг муҳим натижаси халқимиз, аввало, мамлакатимизни исласот этиш ва янгилашнинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш ёшларимизнинг исласот ва демократлаштириш борасидаги сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганида намоён бўлмоқда. Халқимиз онги ва тафаккурида фидойиллик, ватанга садоқат, порлоқ келажаққа тўла ишонч туйғуларни янада мустаҳкамлаиб, биз ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиш, деган ишонч тобора қатъийлашмоқда.

Анвар ЯХШИЕВ,
Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бош мутахассиси

МАЪНАВИЯТ

САЪЪАТ ФЕСТИВАЛИ



“Навқирон Ўзбекистон — 2012”

ЁШ ИЖОДКОРЛАРГА ЯНГИ ИЛҲОМЛАР БЕРДИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги бағишланган V “Навқирон Ўзбекистон — 2012” аънавий ва замонавий санъат фестивали давом этмоқда.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Ёшлар ижод саройи томонидан ташқил этилган бу йилги “Навқирон Ўзбекистон — Ўзбекистон аънавий санъати замонавий нигоҳи” шиори остида ўтаётган мазкур фестивалда ёши 35 гача бўлган 350 нафар ёш ижодкорларнинг 2500 дан ортик рассомлик, ҳайкалтарошлик, графика, аънавий бадий ҳунармандчилик (кулоччилик, қандакорлик, каштачилик, гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлиги, нақшошлик), но-аънавий безакли амалий санъат (гобелен, батик, витраж, кулолчилик), сценография, фотосанъат, видео-арт, меъморий лойиҳалар, либос-дизайн, инсталляция, перформанс сингари санъат йўналишларидаги экспонатлар ҳам хизмат қилади.

Кўرғазмада тақдим этилган санъат асарларида миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ўзига хос аънавала-

рининг давомийлигини, замонавий билим ва қарашлар асосида ёшларнинг ҳаётга бўлган янги нигоҳи, бугунги кун руҳиятини кўриш мумкин. Шунингдек, фестивал доирасида бўлиб ўтган маҳаллий рассомлар, санъатшунослар, дизайнер ва санъатнинг бошқа йўналишлари билан шуғулланувчи арбобларнинг маънавий ҳаётлари, давра суҳбатлари ҳамда савол-жавоблар ёш ижодкорларнинг нафақат профессионал ўсишига, балки қадриятларимиз асосидаги инсонийлик хис-лишларидаги экспонатлар ҳам хизмат қилади.


Кўрғазмада тақдим этилган санъат асарларида мамлакатимизнинг гўзал табиати, йил фасллари, заманимиз

неъматлари, хилма-хил гулнари, турли мазмундаги на-турмортлар, қишлоқ ҳаёти ва табиат манзараларининг ай-риқ-бир қирралари, лирика, ҳаёт фалсафаси, тарихга айланган меъморий ёдгорликлар, қад-риятларимизни эслатувчи ма-ҳаллар кўриниши, турар-қойлар, қишлоқларимиз кўркіга кўрк қўшиб турган янги уй-жойлар, хиёбонлар, боғу роғлар ва бошқа дам олиш жойларининг ланд-шафтлари, меъморий ечим-лари, дизайни намоён этил-ган. Масалан, С.Маҳмамов-нинг темурийлар даврида яшаган буюк сиймоларни акс эттирган қатор асарлари ёки Ф.Умаровнинг миллий меъ-морчилик санъатига бағиш-лаб ишланган “Оқ саройнинг

қуви юртида фаолият юритиб келмоқдаман, - дейди Шох-рух Абдуллаев. — Мени қишлоқ қурилиши айниқса, бугунги кунда қишлоқлари-мизда бунёд этилаётган за-монавий уй-жойлар, уларнинг дизайнида миллий қадрият-ларимизнинг ҳисобга олин-гани кизиқтиради. Экспонат-даги экспонатлар эса менинг бу борадаги қизиқишларим-ни янада мустаҳкамлади.

Кеча кўрғазмага қўйилган асарлар, уларнинг муалли-флари иштирокида қизгин му-ҳокамалар бўлиб ўтди. Бугун мазкур фестивал мисолида мустақиллик йилларида дав-латимиз томонидан ёшлари-мизга катта эътибор берил-ётганини кўриш мумкин.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ



МУЛОҲАЗА

Тўйлар — қадриятларимиз белгиси

УНИ ШУНГА МОС ҚИЛИБ ЎТКАЗИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Маҳалла идорасига кириб келган 40-45 ёшлар чамасидаги аёлнинг асаблари жуда толиққан, қандайдир ташвиши борлиги юз-кўридан шундоқ кўришиб турарди. Уни қарши олиб, ҳол-аҳвол сўраган маҳалла оқсоқоли ва фаоллари гап-нимада эканлигини тезда англагандек бўлишди.

— Эй, отахон қизимнинг никоҳ тўйига атиги 4 кун қолди. “Мол ёрға борган эгачиларимга бўлғуси қудам: “Қизларнинг сепига кўнглим тўлмади. Қўни-қўшилларимга буни қандай кўрсатаман. Йўқ, яхшии сепларингни олиб кетинглар ёки алмаштириб келинглар”, дебди. Айтишларича, олиб борган гиламимизнинг ранги мос эмас, мебель ҳам ўзимизники экан, деб хар-хаша қилишибди. Хуллас, ҳали униси, ҳали буниси бўлмайди, деб туриб олибди. Биз ота-она қизимизнинг сеп-сарпосида камми бўлмасин, деб қарзга ботиб қолдик. Бундан буёғига

нима қилишимизни билмай бошимиз қотди, дейди онахон.

Дарҳақиқат, бу каби ҳолатлар маҳалла-қўй фаолиятида тез-тез учраб туриши сир эмас. Аммо кимнингдир бемаъни орзу-ҳавасларини бажариш учун қийин вазиятга тушиб қолган ота-оналарга қараб ачиниб кетасан, киши. Атрофдагиларга мақтанмиш, уларга мол-давлатининг зиёдалигини намоён этиш, дабдабазорлик сингари иллатлар инсоннинг ўта такаб-бурлиги ва манманлигидан далолат эмасми? Дабдабали тўйлар, қимматбаҳо мебеллар, керакисиз қатор-қатор сарпосурқлар ва тўйдан кейинги турли “чақириқлар” ҳар қандай оила бюджетига катта зарар келтириши, шубҳасиз. Ачинар-лиси, мана шу “матох”лар ҳа-баб ҳали бошланмаган тўй энди турмуш оstonасига қадам қўйган икки ёшнинг орзу-ҳавас-ларига пугур етади.

Маънавий оламимиздаги бу каби қусурларга чек қўйи-шимизда мамлакатимиз Прези-дентининг 1998 йил 28 октябр-даги “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маро-симларни, марҳумларнинг хо-тираларига бағишланган тад-бирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида”ги Фармони-

да белгиланган тартиб-қоида-ларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Яъни, тўй-ҳашам-лар, оилавий тантаналар, маъ-рака-маросимларни ортиқча дабдаба билан ўтказиш, ис-рофгарчиликларга йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва аънавалар-ини менсимаслик каби сал-бий иллатларнинг олдини олишда қўл келмоқда.

Тўй-ҳашам, маърака-маро-симлар билан боғлиқ сохта ҳўжақўрсинлик одатлари ёшлар-имиз тарбиясига салбий таъ-сир кўрсатмоқда. Кенг жамоат-чиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Айни пайтда аҳолини, айниқ-са, ёшларни бундай салбий ил-латларга қарши тарбиялашда жамоатчилик асосида курашил-моқда. “Маҳалла” хайрия жа-моат фонди, “Нуроний” жам-ғармаси, Маънавият тарғиботи маркази, Хотин-қизлар қўми-таси, ҳокимликлар, “Камолот” ЁИҲ ҳамкорлигида адлия бош-қармаси томонидан тасдиқлан-ган режа-дастур асосида жой-ларда кенг тушунтириш ишла-ри олиб боришмоқда. Айниқса, “Ёш оила қурувчилар” мактаби ўқув-машғулотларида мутахас-сислар томонидан ушбу сал-бий иллатларга қарши кураш борасида но-аънавий усул-

қурилиши” асари ҳам томо-шабинни бефарқ қолдирмай-ди.

Биз фестивал кунлари маълум даражада ижодий тажриба майдонига айланаёт-ган кўرғазмалар залида кат-та қизиқиш ва ҳавас билан санъат асарларини томоша қилаётган ёшларни учратдик.

— Бу йил пойтахтимиздаги Беньков номидаги рассомлик коллежига қабул қилиндим. Залларга қўйилган ишлар тан-лаган касбимга бўлган ишти-ёқни янада кучайтириб юбор-ди. Шу тобда қўлимга қоғоз ва қалам олиб, ижод қилгим келаяпти. Ушбу фестивалнинг ўтказилиши ва бир-бирдан бетакрор санъат асарлари бил-лан танишиш мен учун айни мудоа бўлди, - дейди Мария Болотова.

Кўрғазма залларида ижод-корларнинг турли йўналиш-даги ишлари билан танишаёт-ган яна бир томошабинни суҳбатга чорлаймиш.

— Архитектура ва қурилиш институти қошидаги лицейни тамомлаб, ҳозирда шу олий

қуви юртида фаолият юритиб келмоқдаман, - дейди Шох-рух Абдуллаев. — Мени қишлоқ қурилиши айниқса, бугунги кунда қишлоқлари-мизда бунёд этилаётган за-монавий уй-жойлар, уларнинг дизайнида миллий қадрият-ларимизнинг ҳисобга олин-гани кизиқтиради. Экспонат-даги экспонатлар эса менинг бу борадаги қизиқишларим-ни янада мустаҳкамлади.

Кеча кўрғазмага қўйилган асарлар, уларнинг муалли-флари иштирокида қизгин му-ҳокамалар бўлиб ўтди. Бугун мазкур фестивал мисолида мустақиллик йилларида дав-латимиз томонидан ёшлари-мизга катта эътибор берил-ётганини кўриш мумкин.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Зулайхо КАМОЛХОДЖАЕВА,
Ҳамза тумани ФХДБ бўлими мудираси

Янги ўқув йили — янги мактабда

Қоракўл тумани Қўлво қишлоғидаги 37-умумтаълим мактаби ўқувчилари учун Мустақиллик байрами шодиёналари яна бир қувончли воқеага уланиб кетди. Улар янги ўқув йилини икки қаватли янги бинода бошлади.

“Шарқ плюс” хусусий қурилиш ташкилоти бунёдкорлари барпо этган 216 ўринли мазкур таълим муассасасида ўғил-қизларнинг пухта билим олиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Жумладан, тегишли ўқув лабораториялари замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Бухоро вилоятида жорий ўқув йили арафасида капитал реконструкция қилинган ўн уч таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

— Мактабимизнинг уч юз ўринли биноси ва спорт зали янги қиёфа касб этди, - дейди Ғиждувон тумани “Қорахони” қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 33-умумтаълим мактаби директори Қиём Норов. — Ўқувчи ва ўқитувчилар учун бундай қулай шарт-шароит яратиб берилганидан беҳад миннатдоримиз.

Э. ЁДГОРОВ,
ЎЗА мухбири

*Барча юртдошларимизни, таълим соҳасида
хизмат қилаётган ҳамкасбларимизни
энг улуг, энг азиз байрам*

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ

билан табриклаймиз.

*Юртимиздан файзу барака, шоду
хуррамлик аримасин, соғлиқ-саломатлик,
тинчлик-хотиржамлик сизларни
тарк этмасин! Она дидримизда
хуррият қуёши абалий нур
сочиб тураверсин!*

БОЙСУН ТУМАН “МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ” ЖАМОАСИ



ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

НУРОТА ТУМАН МОЛИЯ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

21
ЙИЛ

Юртдошларимизни

энг улуг, энг азиз айём —

Мустақиллик байрами

билан муборакбод этади.

Юртимиз тинч-осойишта, дастурхонимиз

тўкин-сочин, келажакимиз

бундан-да ёруғ ва порлоқ бўлсин.



БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДАГИ “МУҚИМИЙ ФАЙЗ” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ АЪЗОЛАРИ


Ватандошларимизни МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҚУТЛУҒ 21 ЙИЛЛИГИ

билан қизгин табриклайди.

Чексиз орзу-умидларга,
қувончларга тўла ушбу кунда
барчага тинчлик ва хотиржамлик,
мустаҳкам соғлиқ, эзгу
ишларида каттадан-катта
зафарлар тилаб қолади.



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



ФАРҒОНА МАРКАЗИЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ ОАЖ ЖАМОАСИ

*Азиз юртдошларимизни энг улуг,
энг азиз байрамимиз —*

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги

билан муборакбод этади!



*Обод ва фаровон Ватанимиз
тараққиёти йўлида амалга ошираётган
ҳар бир эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин!*



ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ


“PAPPEN” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ ХОРИЖИЙ КОРХОНА ЖАМОАСИ



Барча юртдошларимиз ва азиз меҳмонларни

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик

байрами билан самимий муборакбод этади.



ЭНГ АЗИЗ ТИПАКЛАРИМИЗ СИЗЛАР УЧУН!

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

“Сабо” гуруҳи Валенсияда

Испаниянинг Валенсия шаҳрида Халқаро мусиқа ва анъанавий рақслар фестивали бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг “Сабо” гуруҳи ўзбек миллий рақс санъатининг намойиши этди. Мазкур гуруҳ фестивал доирасидаги гала-концертда ўз репертуаридаги энг ёрқин ва халқона рақслари билан валенсиялик томошабинларни ҳайратга солди.

Ўзбек миллий рақс санъати усталарининг Валенсияга ташрифи Ўзбекистоннинг Испаниядаги элчихонаси ва “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасининг Мадриддаги ваколатхонаси бошчилигида ташкиллаштирилди.

Фестиваль дастурлари доирасида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан тайёрланган “Фонд Форум Ўзбекистон ҳақида” деб номланган китоблар, фотоальбомлар ҳамда тақдимотлар ҳавола этилди.

Бу фестивал Испаниянинг гўзал шаҳарларидан бири

бўлган Валенсияда 2000 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Шаҳар марказидаги катта майдонда дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган этник гуруҳлар ўз мусиқа ва рақс маданияти дурдоналарини намойиш этади.

Ўзбекистоннинг “Сабо” ижодий жамоаси 2003 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг репертуаридан бухороча, фарғонача, хоразмча ва бошқа миллий рақс мактаблари анъаналари асосида сахналаштирилган рақслар ўрин эгаллаган.

Тантана фестивал Президенти Мануэль Камараси Навалоннинг табрик сўзи билан очиб деб эълон қилинди. Фестивалда М.К.Навалонга Ўзбекистонлик иштирокчилар томонидан бухороча тўн ҳамда “Фонд Форум Ўзбекистон ҳақида” нашри тақдим этилди. Президент ўзбек рақслари ўзининг ранг-баранглиги, бетакрор кўркем либослари билан ажралиб туриши, испаниялик томошабинларда катта таассурот қолдиргани, Ўзбекистон халқи бутун дунёда бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги билан машҳур эканлиги ҳақида алоҳида тўхтади. У келгусида Ўзбекистонда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Асрлар садоси” фестивалида Испания вакиллари ҳам иштирок этишга қизиқаётганини маълум қилди.

Ижодимиз мустақилликка армуғон

эътибор ижод аҳлини янгидан-янг ижодий марралар сари илҳомлантираётганини таъкидлади.

Бу жиҳатлар таникли фотоижодкор А.Жумаев фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Истиқлол йилларида унинг ижодий ишлари Хитой, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Белгия, Ҳиндистон сингари ўндан ортик мамлакатлардаги халқаро фотокурганмалар ва биеналлеларда намойиш этилди.

— Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари мангуликка дахлдир, — дейди А.Жумаев. — Бу ўзгаришларни суратларга муҳрашни, халқи-

денти Мануэль Камараси Навалоннинг табрик сўзи билан очиб деб эълон қилинди. Фестивалда М.К.Навалонга Ўзбекистонлик иштирокчилар томонидан бухороча тўн ҳамда “Фонд Форум Ўзбекистон ҳақида” нашри тақдим этилди. Президент ўзбек рақслари ўзининг ранг-баранглиги, бетакрор кўркем либослари билан ажралиб туриши, испаниялик томошабинларда катта таассурот қолдиргани, Ўзбекистон халқи бутун дунёда бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги билан машҳур эканлиги ҳақида алоҳида тўхтади. У келгусида Ўзбекистонда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Асрлар садоси” фестивалида Испания вакиллари ҳам иштирок этишга қизиқаётганини маълум қилди.

— Бизнинг давлатларимиз ўртасидаги ўзаро маданий алоқалар илдири узоқ ўтмишга бориб тақалади, — деди М.К.Навалон. — Шубҳасиз, “Сабо” гуруҳи намойиш этган маданий дастурлар Ўзбекистон ва Испания ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“ЎЗКИШЛОҚХЎЖАЛИКМАШЛИЗИНИНГ” КОМПАНИЯСИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

Дилларни шодлик, қувончга тўлдириб энг улғу, энг азиз байрамимиз

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 21 ЙИЛЛИК

*шодиёнасини нишонлаяпмиз.
Юртимизнинг ҳар бир
ғўшасида тинчлик,
хотиржамлик, омонлик,
фаровонлик бўлишини тилаймиз.*

**МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

**Тошкент шаҳридаги
Фотосуратлар уйида
фотомусаавир Абдугани
Жумаевнинг “Бунёдкор-
лик эпопеяси” мавзудаги
кўрганмаси ташкил
этилди.**

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган кўрганмасининг очилишида турли вазирилик ва идоралар вакиллари, рассомлар, фотоижодкорлар, санъатшунослар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда маданият ва санъатни ривожлантириш, ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилаётган

**Манзура БЕКЧОНОВА,
“Туркистон-пресс”**

ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

ҚУВА ТУМАНИДАГИ "ТЕМІР БЕТОН ИМОРАТ" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ

Қалбларни чексиз қувончларга тўлдирган истиқлол айёми шодиданлари юртимизнинг ҳар аўшасига, шаҳару қишлоқларига ўзгача тароват, дилларга қўтаринки руҳ бағишламоқда.

Кундан кун чирой очиб, тобора обод бўлаётган, гуллаб-яшнаётган бетақрор юртимиз аҳлини истиқлол айёми билан самимий қутлайди.

Барчагаизга сўхат-саломатлик, яратувчанлик, меҳнатларингизга ривож ва омадлар тилайди!



БУЛОҚБОШИ ТУМАНИДАГИ "ШИРМОНБУЛОҚ ТОШ КОНИ" ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барчани Ватанимиз

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ

билан қизгин табриклайди.

Юртимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

ҚЎШКЎПИР ТУМАНИДАГИ "ХУМО" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ АЪЗОЛАРИ

Жонажон Ўзбекистонимиз халқи ҳамда меҳмонларини энг улуғ, энг азиз байрам —

ДАВЛАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ

билан самимий муборакбод этади.

Қутлуғ айём ҳар бир оилага, деҳқону боғбонларимиз хирмонига қут-барака ато этсин. Яратувчанлик ишларингизда улкан омадлар ёр бўлсин!



ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ
ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!



Омонатингизни бизга ишонинг



Агробанк омонатлари қулай, ишончли ва манфаатлидир!

Омонатга бўш пул маблағларингизни Агробанкнинг исталган филиалига қўйишингиз мумкин. Омонатлар буйича ҳисобланган фозили даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. Агробанк омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади. Қўшимча маълумот учун 150 53 65, 150 53 32 телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.
www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Фолишёр ЗИЯЕВ, Суvon НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Фаҳружон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмаил ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47

Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 919, Адади — 5119. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ

Навбатчи: Бейбўд БОТИРОВ

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ

Электрон почта: e-mail: milliy@sarkor.uz

Босишга топшириш вақти — 21.00.

Тоширилди — 23.40.

ISSN 2010-7714



VATAN TUVU USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ